

Одамларга шукр айтмаган шахс

05:00 / 06.03.2017 5851

Абу Ҳурайрадан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Одамларга ташаккур айтмаган одам Аллоҳга шукр қилмаган бўлади», - дедилар».

Шарҳ: Бу жуда эътиборга сазовор нарса. Демак, ўзига яхшилик қилган шахсга раҳмат айтиб, ўзининг розилигини билдирмаган одам Аллоҳ таолога ҳам шукр қилмайдиган бўлади.

Шунинг учун, бир одам бизга яхшилик қилса, унга албатта ташаккур айтиб, мукофотлаш керак бўлади.

Маълум ва машҳурки, шукр ила неъмат зиёда ва бардавом бўлади. Агар яхшилик қилганга ташаккур айтилмаса, у ҳам иккинчи бор яхшилик қилишга қўл урмай қўяди.

Вақтида ташаккур айтмаганнинг ўзи зарар кўради. Унга ҳалиги одам яхшилик қилишни тўхтатади. Шу билан бирга, яхшилик қилган ҳам зарар тортади. Чунки, у бир одамга яхшилик қилиб савоб олишдан маҳрум бўлади.

Ўзига ўхшаган одамга унинг яхшилиги учун ташаккур айтмаган одамнинг Аллоҳ таолога шукр қилиши ҳам қийин бўлади.

Абу Ҳурайрадан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Аллоҳ таоло нафсга: «Чиқ» - дейди.

«Йўқ, чиқмайман. Чиқсам ҳам, ёқмаган ҳолда чиқаман», дейди», - дедилар».

Шарҳ: Бунинг маъноси шуки, жон ўз эгасида турган пайтда, унинг эҳтиромини қилиб турган пайтда чиққиси келмас экан. Яъни, жон юқоридагидек, яхшилик қилганга миннатдорчилик билдириб, ташаккур айтиб юрадиган одамлардан чиққиси келмас экан. Аллоҳ таолога

«Чиқмайман, чиқсам ҳам, ўзимга ёқмаган ҳолда чиқаман», дер экан.